

**ДИНИЙ ОҚИМЛАР ВА ТУРКИЙ ЁЗМА АДАБИЁТ**  
**RELIGIOUS MOVEMENTS AND TURKIC WRITTEN LITERATURE**

Насимхон РАҲМОНОВ\*

**Түйіндеме**

«Oltun Yorug» («Алтын жарық») Авестамен байланысты және IX-X ғасырдағы түркі халықтары әдебиетінің әдеби және мәдени салаларында маңызды рөл атқарады. «Алтын жарық» жазба ескерткішіндегі Зеруана мен Гордың мифологиялық бейнесі Авестаның мазмұны туралы жаңа парақтарын ашты... Мақалада зороастризм және буддизм арасындағы сәйкестіктер келтірілген. Әрбір құдай, әулие және рухтың өз функциялары бар, бірақ барлық құдайлар заңдарды Ұлы Алтын жарықтың өзі үшін ерекше ерекшеліктерге ие екендігін біледі. Алтын жарыққа Кавсия есімі қалай берілгеніне қатысты әртүрлі пікірлер бар. «Алтын жарық» Авестадағы мифтік суреттер туралы жазушының көзқарасын қамтиды. «Алтын жарық» эпосы Индраның дүниеге келуімен басталады. Индра - мифологиялық ғарыштан нақты әлемді құру болып табылады. Индрада - қараңғы және жарық, түн және күн, өмір мен өлім, екінші космогония сахнасы ұсынылған. Ригведа да автор Авеста мен Ригведа негізіндегі мифологияға негізделген шындықты сипаттайды, онда Авеста жетекші рөл атқарады.

**Түйінді сөздер:** Мунизм, буддизм, Зороастризм, түр, ескі түрік тілі, космогониялық мифология.

**Summary**

This article speaks about literary work “Oltin Yorug” (The Golden Light) which plays very important role in cultural and literary environment of Turkic people in IX-Xth centuries. The author of the article speaks about relation of this workmanship and “Avesto”. He investigates commonality of meaning and function of mythological images of

---

\* Филология фанлари доктори, профессор, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат узбек тили ва адабиети университетининг узбек адабиет тарихи ва матншунослик кафедраси. Тошкент-Ўзбекистон.

Doctor of Philological Sciences, Professor, Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after A.Nauai, Department of the History of Literature and Textology. E-mail: [nasimhon\\_r@mail.ru](mailto:nasimhon_r@mail.ru)

Zervan and Khormuzd from “Golden light” and images of “Avesto”. The harmony between Zoroastrian and Buddhist doctrines found its reflection in the article. All the gods, the masters, helping spirits in “Golden Light” have their own responsibilities, among all of them only Khormuzd has the right to bring true and legitimate law to the God of gods, which is the khan of Buddha. Khormuzd is the main hero of “Golden Light”. Author shares with us about his opinion of how Khormuzd’s name Kavsikia came about, how mythological images of “Avesto” found their reflection in “Golden Light”. The article focuses on the fact that the dualistic space started in mythology of “Golden Light” after the birth of Khormuzd’s second name Indra. Indra’s main task was to create a real world out of mythological one. Indra brought into the world darkness and light, day and night, life and death. The second cosmogony stage is clearly shown especially in “Rigveda” the Veda’s connected with Indra. Taking this and other facts into account we can say that ancient Indian mythology and “Avesto” are connected, both of them began with the emerge of Vedas, the dualistic vies started with the birth of Khormuzd and Akhriman. Finally, image of Indra was the basis for all of these.

**Key words:** Manixeizm, Buddhism, Zoroastrism, genres, ancient Turkic language, Indian literature, cosmogonic mythology.

Исломгача яратилган ёзма обидалар орасида монийлик оқимидаги шеърлар, “Хуастуанифт” (ёки “Монийларнинг тавбаномаси”) буддавийлик оқимига мансуб “Майтри смит”, “Олтун ёруғ” (яъни олтин сингари нур) ҳамда кўплаб буддавийлик ва монийлик махмунидаги турли жанрларга мансуб матнлар ҳамма даврда ҳам Марказий Осиё туркий халқларининг ижодий маҳсули бўлиб қолган. Мазкур адабий ёдгорликлар орасида “Олтун ёруғ” достони диққатга сазовор бўлиб, бир неча асрлар давомида Туронзаминда маънавий муҳитнинг барқарорлашувида катта хизмат қилди. Асар буддавийлик оқимига мансуб бўлиб, кашф этилган илм сифатида халқнинг шуурий изланишлари, эътиқод бутунлиги орқали пайдо бўлган. Асар туркий тилли халқлар орасида эътиборга молик асар бўлгани учун ҳам X–XVIII асрлар давомида ўн марта кўчирилган ва шарқдаги кўп тилларга таржима қилинган. “Олтун ёруғ” асари ўз даврида буддавийликка эътиқод қилувчи қавмлар орасида кенг тарқалган. Бу асар улар эътиқод қиладиган буддавийлик қонунларидан иборатдир. “Олтун ёруғ” мазмунан ва моҳиятан буддавийликнинг махаяна мазҳабига оиддир.

“Олтун ёруғ” мифологияси Ўрта Осиё халқлари мифологияси билан уйғунлигини исботловчи далиллар асарнинг ўзида кўп. Жумладан, “Авесто”даги Зерван ва Хўрмузд мифологик образларининг маъно ҳамда вазифалари “Олтун ёруғ”да учраши бу қарашларимизнинг

бир далилидир. Демак зардуштийлик билан буддавийлик ақидалари ўртасида, уйғунлик бор эди деб айтиш мумкин.

Зерван (ёки Азруа) илк бор “Олтин ёруғ”нинг биринчи китобида (17-саҳифасида) учрайди. Асарни қадимги хитойчада қадимги туркий тилга ағдарган таржимон Нўмчи Танвасин “Азруа, Хўрмузднинг барҳаётлиги билан (уларнинг) пойида сажда қилган, Астравастристки тангрилар иззатлаган ибодатхоналарга таъзим қиламан”, дея Будда билан бир қаторда Зерван ва Хўрмуздни ҳам улуғлайди (1-китоб, 22-23-сатрлар).

Асарда “барҳаёт” Зерван ва Хўрмузд Тангрилар тангриси бурхондан кейин мавқе эгаллаган тангрилардир. Юқоридаги парчада биринчи китоб таржимони Нўмчи Танвасин муаллим Зерван билан Хўрмуздга таъзим қилишини баён этмоқда. Асарнинг кейинги саҳифаларида Зервандан кўра, Хўрмузд фаол мифологик образ сифатида кўринади. Унинг сифатлари кўп: Тангриларнинг қудратлиси, тангрилар хони, бўдисатв ва ҳ.

“Олтун ёруғ”даги барча тангрилар, махаранчлар, ёрдамчи руҳларнинг ўз вазифаси бор. Аммо барча тангрилар орасида Хўрмуздгина Тангрилар тангриси бурхонга (яъни будда хонга) мазмундор, чинакам нўмни – қонунни етказишга қодир “Кейин кўк осмон хазинаси (бўлган) бўдисатв Зерван, Хўрмузд, тўрт махаранч тангрилардан, яна ҳамма Тангри(ларнинг) тангри тангриси бурхондан бундай мазмундор, йўлга соладиган нўм ёрлиғини эшитгач, (улар) ўтирган ўринларидан туриб, (ҳаммаси) бирдай ўнг елкаларидаги тўнларини ечиб, қафтларини қовуштириб, тиз чўкиб, чексиз ҳурмат билан Тангри тангриси бурхон оёқларига таъзим қилиб, Тангри(лар) тангриси бурхонга шундай деб ўтинадилар” (27-б). Хўрмузд ўз қудрати туфайли Тангрилар тангриси бурхоннинг эътирофига сазовор бўлган, Хўрмуздда бурхоннинг қудратигатенг қудрат бор. “Кейин шу вақт Тангри(лар) хони Хўрмузд тангри ҳамма тангрилар жамоати билан, Ганг дарёси маликаси, яна ҳамма улуғ жамоат билан қомил, доно, билимли Тангри(лар) тангриси бурхоннинг ўша нур сочаётган алангасини ҳис қилди, ҳаммасини тангри бурхон (деб) топди” (2а). Бурхон Хўрмуздни Кавсия деб атади. Кавсия – душманлар ва иблислар устидан ғолиб бўлган, момақалдиқ ва уруш тангриси Индранинг иккинчи номидир.

Шу ўринда “Олтун ёруғ”га “Авесто”даги мифологик образлар қай тарзда кириб келгани мавҳум бўлиб қолмаслиги учун баъзи

кузатишлар ҳақида тўхталамиз.

Аввало, Хўрмузднинг ҳинд мифологиясидаги ўхшаши тангри Индра ҳақида. Индра туғилиши билан қадимги ҳинд адабиётида космогоник мифологиянинг иккинчи босқичи бошланган (биринчи босқичи азалда оламнинг яратилишига оид мифлардан иборат)<sup>1</sup> Дуалистик фазо айнан Индра туғилгандан кейин бошланган (Хўрмузд билан Ахриман туғилгандан кейин дуалистик қараш бошланганига эътибор берайлик). Индранинг асосий вазифаси мавжуд оламдан реал оламини пайдо қилишдан иборатдир. Индра оламга зулмат ва нурни, кун ва тунни, ҳаёт ва ўлимни олиб келади. Иккинчи космогоник босқич айнан “Ригведа”да аниқ акс этган.<sup>3</sup> Ана шу далилларга таянган ҳолда “Авесто”га асос бўлган мифология билан “Ригведа” (II минг йилликнинг иккинчи ярмидан кейин яратилган деб тахмин қилинади), ёки айтиш мумкинки, қадимги ҳинд мифологияси ўртасидаги алоқалар ведалар пайдо бўлган даврдан бошланган. (Веда – “муқаддас билим”, Ригведа – “муқаддас билимлар мадҳияси” демакдир). Тарихий муносабатлар “Авесто”даги мифология билан ведалардаги мифологиянинг қариндошлик алоқаларини ўрганишга имкон беради.

“Ригведа” билан “Авесто”нинг тили, жумладан, поэтик нутқнинг яқинлиги тадқиқотчиларнинг диққатини тортган. Ҳар икки ёзма ёдгорликдаги мифологик асос ҳам бирдир – иккаласи ҳам арийлар мифологиясидан озикланган. Аммо диний тизим “Авесто” ва “Ригведа”да фарқли бўлгани учун ҳар иккаласида ҳам бу тизим ўз тараққиёт йўлидан кетди. Тил ва мифологик мероснинг ҳар иккала манбада бирлиги айрим сўзларнинг маъно ва вазифалари солиштирилганда маълум бўлади. “Ригведа”да deva – “Авесто”да daeva сифатида талаффуз қилиниб, биринчисида “худолар” маъносини, “Авесто”да эса бу сўз “иблислар” маъносини билдиради. “Авесто”да ahura сўзи “Ригведа”да asura деб айтилади ва биринчисида фақат худоларни (масалан, Ахурамазда ёки Хўрмузд) билдирса, “Ригведа”да худолар (масалан, Митра, Варуна каби) нинг эпитети вазифасида қўлланади.

“Ригведа” билан “Авесто”нинг мифологик қаҳрамонлари ўртасидаги умумийлик шуни кўрсатадики, исмларнинг лингвистик

---

<sup>1</sup>Батафсил маълумот олиш учун қаранг: Елизаренкова Т.Я. “Ригведа” – великое начало индийской литературы и культуры. – “Ригведа” китобида (М.: “Наука”, 1989, 496-бет).

жихатдан бирлиги, қолаверса, ҳар иккаласида вазифа ва сюжет жихатидан ўхшашлиги улар ўртасидаги қариндошлик алоқаларидан далолат беради. “Ригведа”да - Yama, “Авесто”да – Yima, “Ригведа”да – Vata, “Авесто”да – Vita, “Ригведа”да – Vayu, “Авесто”да – Vayu ва ҳ. исмларда айнан шуни кўриш мумкин.

“Ригведа” ва “Авесто” икки диний тизимга мансуб бўлса ҳам, иккаласи учун умумий бўлган культлар бор. Жумладан, олов култи ҳар иккаласида заминда қурбонлик куйдиришни, осмондаги қуёш ва бошқа самовий илоҳларга оид ҳамма хусуиятларни қамраб олади; ёки муқаддас ўсимликлар култи тўғрисида маълумот берилганда, ҳар иккала манбада ҳам бу ўсимликлардан боқий умр ато қиладиган ичимлик тайёрланиши тўғрисида сўз кетади. Шунингдек, ҳар иккала манбада мадхия–ибодатлар ҳам умумий мазмунга эга.

Умуман олганда, ҳар иккала халқнинг ёзма ёдгорликларини жалб қилган ҳолда, умумий мифологияни ўрганиш келгусида амалга ошириладиган вазифалардан биридир. “Олтун ёруғ”даги Зерван ва Хўрмузднинг мифологик асосини ведалардан, хусусан, “Ригведа”дан бошлаш масалага кўп ойдинлик киритади.

“Олтун ёруғ”да бурхоннинг эътироф этишича, Хўрмузд жамики инсонларни қилмишлари, гуноҳлари учун пушаймон қилдириб, тавбага олиб келади. У, инсонларни ёвуз қилмишларидан поклагин, деб бурхондан илтимос қилади (26). Хўрмузднинг бу ишини Тангрилар тангриси маъқуллайди ва жамики инсоният гуноҳларидан покланиши учун қандай амалларни бажариш лозимлиги тўғрисида Хўрмуздга йўл–йўриқ беради. Бу амаллар – ҳамма бурхонларга таъзим қилиш, яъни иззат–хурмат қилиш, зехни очилганларга таъзим қилиш, махаяна таълимотини тарғиб қилувчиларга таъзим қилиш ва ҳоказолардан иборат. “Олтин ёруғ”нинг тузилиши ҳам “Авесто”ни эслатади. “Авесто”да Зардушт Хўрмузддан қонун сўрагани ва Хўрмузд Зардуштга жавоб берган каби, “Олтин ёруғ”да Хўрмузд бурхондан турли нўмлар – қонун–қоидалар, йўл–йўриқлар сўрайди.

Зерван, Хўрмузд, уларнинг атрофига йиғилган барча тангрилар инсониятнинг халоскори, муҳофаза этувчиси бўлиш билан бирга, “олтун нур”ни – буддавийлик ақидаларни ёювчилардир. Бу нурга итоат этиб, унинг йўл–йўриғидан юрадиган юртнинг подшоҳи “биринчидан, соғ–саломат, хавф–хатарсиз бўлади, иккинчидан, умри узун бўлади, учинчидан, лашкарининг куч–қудрати ошиб кўпаяди, душманлари бўлмайди, тўртинчидан, эл–улус шод–хуррам, тўғри, қонун–қоида бўйича яшайди” (33 а,б).

Бу ваъда эмас, балки амалга ошиши мумкин бўлган ҳақиқатдир. Қолаверса, ҳақиқат фақат шундан иборат эмас. Бурхоннинг ўғитлари, Зерванга, Хўрмуздга ва тангрилар орқали берган ўғити юртни, инсонларни маънавий томондан соғлом қилади, молпарастлик иллатидан халос қилади, иллатлардан халос бўлишнинг маҳсули сифатида инсонлар бир-бирларига меҳр-оқибатли бўладилар. Хукмдорга ўзининг халқи, атрофдаги душманлар ҳам совға-салом келтириб дўст тутинадиган бўладилар, бунинг натижаси ўлароқ шон-шуҳратга эришадилар, ўзлигини намоён қиладилар, ҳамманинг иззат-ҳурматиغا сазовор бўладилар. Подшоҳдан тортиб халқигача узоқ умр кўрадилар, тинч-омон яшайдилар (35 а,б – 36 а,б).

Зерван, Хўрмузд ва тўрт махаранч тангрилари, худди эртак, эпос қаҳрамонлари сингари, инсониятни бахт–саодатга элтувчи кудратли куч бўлиш билан бирга, уларнинг душманларини, эзгуликка қарши кучларни тумтарақай қочирадилар. Зотан, азалдан – яратилиш давридан бери Зерван билан Хўрмузднинг вазифаси шундай бўлган эди. “Хуастуанифт”нинг бошланишидаги Хўрмузд билан Зерванга оид воқеалар ҳам бунинг далилидир. Айни пайтда улар инсоният қалбидан жой олиб, “баҳодирлик, мерганлик, фазилят, маҳорат, билимни уларнинг кўнгилларига жо қилиш” учун бурхонга ваъда берадилар. Бу фазилятлар фақат руҳий маънода эмас, балки жисман инсон қалбида жо бўлиши лозим. Эларнинг хукмдорларидан тортиб халқигача жисмонан соғ-саломат яшашининг асосий шarti – бурхон берган тўғри қонун-қоидалар, қонунлар таркибидаги ёрликлардир. Инсоният йўлидаги азоб-уқубатларни бартараф қилиш, шунингдек, ахлоқни жамиятнинг соғломлиги учун асосий шарт қилиб қўйиш, донолик мушоҳада орқали руҳий етукликка олиб боришнинг пировард мақсади – нокомил бу оламни комилликка етказашдир. Инсон ҳеч қачон азоб-уқубатдан, кексайишдан, хасталик ва ўлимдан холи бўла олмаган. Бунинг имкони ҳам йўқ, зотан, ҳаёт шундай қурилган. “Олтун ёруғ”нинг мақсади – инсоният азобни тушунсин, уни бартараф этиш йўлини англасин.

Асарда уч қимматбаҳо хазина тушунчасига алоҳида эътибор қаратилган. Буддавийликда уч хазина ниҳоятда қадрланган, шунинг учун ҳам ҳар доим буддавийликка эътиқод қилувчилар бу уч хазинани кўз-кўз қилиб эмас, балки ўзларига мажбурият сифатида олиб, эътиқоднинг асосий таянчи сифати деб билганлар. Хўш, бу уч хазина нималардан иборат? Ёвузлик қилмаслик. Яхшилик қилиш. Ақлни поклаш. Мазкур уч хазина “Авесто”даги Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амални эслатади.

Бу уч хазина “уч заҳар” ёки уч турли ёмон қилмиш деб аталадиган

зарарли одат ва кўникмаларга – очкўзлик ёки шаҳвоний истак, нафрат, йўлдан озиш ёки нодонликка қарши кўйилади.

Будданинг ўнта ваъдаси ана шу уч турли ёмон қилмишларга барҳам беришга қарши рухий куч сифатида яратилган.

Хуллас, “Олтун ёруғ” “Авесто”дан олдин яратилгани боис “Олтун ёруғ” ғоялари “Авесто”нинг шаклланишига таъсир кўрсатган деб айтиш мумкин. Келгусида бу борадаги ишлар умумтуркологик планда давом этиши керак.

#### Özet

"Oltun Yorig" ("Altın Işık") Avesta ile ilgili IX-X yüzyıllarda Türk halklarının edebi ve kültürel ortamında önemli bir rol oynar. "Oltun Yorig" başlıklı yazılı anıtı mitolojik görüntüleri Zeruana ve Horus ile Avesta anlam ve görüntülerin fonksiyonu hakkında soru işaretleri oluşturdu. Yine de, Zerdüştlük ve Budist öğretileri arasındaki uyum, makalede iyi bilinmektedir. Haliç'in tüm tanrıları, efendileri, yardımcı ruhları kendi görevlerine sahiptir. Ancak, Tanrı'nın tüm Tanrılar arasında Yüce Varlık Örneğinin Oltun Yorige ilgili bir yasa iletebilen (yani Buda Khan) tanrıça özü, gerçek rakam olduğu açıktır. "Altın Işık" da ismin Kavsiya adını nasıl gördüğü ile ilgili görüş ve görüşler vardır. "Altın Işık" da yazarın Avesto'nun mitolojik görüntülerinin nasıl ortaya çıktığıyla ilgili gözlemlerini içerir. "Altın Işık"nin mitolojisinde ikili uzay onu ikinci isim İndra doğumundan sonra başladı gerçeğine odaklanıyor. İndran'ın ana görevi mitolojik dünyadan gerçek bir dünya yaratmaktır. İndra dünyaya karanlığı ve ışığı, gece ve gündüz, hayat ve ölüm, ve ikinci kozmogoni sahne verir. Rıgvedada bu gerçekler, mitolojiye dayanan, Avesta ve Rıgveda'ya dayalı mitoloji ve mitoloji Avesta, yazar ileriye koyar.

**Anahtar Kelimeler:** Moniilik, Budizm, Zerdüştlük, türler, Eski Türk Dili, kozmogonik mitolojisi.

**(Rahmonov N. Dini Sorunlar ve Türk Yazılı Edebiyatı)**

#### Резюме

«Олтун Ёриг» (Золотой свет) связан с Авестой и играет важную роль в литературной и культурной сфере литературы тюркских народов IX-X вв. Мифологическое изображение Зеруаны и Гора в письменном памятнике «Олтун Ёриг» открыли новые вопросы, касающиеся смыслового содержания Авесты. В статье представлены соответствия между зороастризмом и буддизмом. Каждый бог, святой и духи имеют свои функции, однако все божества знают, что законы устанавливаются посредством Великим Олтун Ёригом, обладающим присущими только ему особенностями. Имеются разные взгляды на то, как «Золотой свет» получил имя Кавсикиа. В «Золотом свете» содержатся взгляды писателя на его мифологическое изображение в Авесте. В эпосе «Золотой свет» говорится, что история начинается с рождения Индры. Функция Индры – породить из мифологического космоса реальный мир. Индра - тьма и свет, ночь и день, рождение и смерть, представленное на второй космогонической сцене. В Ригведе автор описывает реальность, основанную на мифологии, опирающуюся на Авесту и Ригведу, где Авеста играет ведущую роль.

**Ключевые слова:** Мунизм, буддизм, зороастризм, виды, старотурецкий язык, космогоническая мифология.

**(Рахимов Р. Религиозные вопросы и письменная тюркская литература)**